

"Деҳқонобод калий заводи"нинг "Ёш китобхон ходими" аниқланди

// 28.06.2024

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/dehqonobod-kaliy-zavodi-ning-yosh-kitobhon-hodimi-aniqlandi>



Бугун «Деҳқонобод калий заводи» АЖда ёш ходимларнинг китобхонлик маданиятини янада кучайтириш ҳамда китоб мутолаасини корхонада кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ёш китобхон» кўрик-танловининг 1-босқичи ўтказилди. Ёш соҳа вакиллари 5 та шарт асосида ўз билимларини намойён қилишди. Ҳакам ҳайъати аъзоларининг якуний баҳолаш натижаларига кўра:

1-ўринни Нилуфар Норқобилова, КЎИЧ 1-цеҳи тарозибони;

2-ўринни Асилбек Исмоилов, Автотранспорт цеҳи, Техник ҳужжатларни юритиш бўйича техник;

3-ўринни Убайдулла Мусулов, Бош механика хизмати етакчи муҳандис-конструктори қўлга киритиб, кўрик-танловнинг 2 – босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

Ғолиблар Жамият томонидан рағбатлантирилади.



Эслатиб ўтамиз, «Ёш китобхон» кўрик-танловининг 2 – босқичи жорий йил июль ойининг илк 10 кунлигида «Ўзкимёсаноат» АЖда ўтказилиши кўзда тутилган.



«Деҳқонобод калий заводи» АЖ Матбуот хизмати